

<b>Ташкилот номи:</b>	Юристар малакасини ошириш маркази
<b>Таркибий бўлинма номи:</b>	Барча кафедраларга
<b>Танлов босқичи:</b>	Сухбат
<b>Савол йўналиши:</b>	Умумий қонунчилик асослари (100 та савол)

1. Таълим соҳасидаги асосий принциплар нималардан иборат?
2. Таълим тизими ва унинг турлари ҳақида гапиринг.
3. Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги Қонунида, давлат таълим стандартлари ва давлат таълим талаблари тушунчаси ҳамда асосий вазифаларини ёритинг.
4. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонунига кўра, кимлар педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.
5. Таълим олишнинг шакллари ҳақида маълумот беринг.
6. Масофавий таълим тушунчасини ва уни ташкил этиш тартибини ёритиб беринг.
7. Ўқувчиларнинг ўқув фаолиятни назорат қилиш турлари ва уларнинг мазмунини ёритиб беринг.
8. Коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақида гапириб беринг.
9. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши ва унинг ҳудудий кенгашлари вазифаларига ҳақида гапириб беринг.
10. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
11. Давлат хавфсизлик хизматининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари ҳақида гапириб беринг.
12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатлари ҳақида гапириб беринг.

**13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатларини ёритиб беринг.**

**14. Оммавий ахборот воситаларининг коррупцияга қарши курашишдаги иштирокини айтиб беринг.**

**15. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатини ёритиб беринг.**

**16. Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида гапириб беринг.**

**17. Давлат хизматчиси томонидан одоб-ахлоқ қоидаларининг бузилиши жавобгарликни келтириб чиқарадими?**

**18. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва тадбиркорлик соҳасида коррупциянинг олдини олишдаги чора-тадбирлар ҳақида маълумот беринг.**

**19. Коррупцияга қарши кураш соҳасидаги тадқиқотлар ҳақида маълумот беринг.**

**20. Адлия органлари ўз ташаббусига кўра, қайси асосларга биноан амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиши ҳақида гапириб беринг.**

**21. Қайси қилмишлар коррупцияга оид маъмурий ҳуқуқбузарликлар деб ҳисобланиши ҳақида гапириб беринг.**

**22. Қайси қилмишлар коррупцияга оид жиноятлар деб ҳисобланади?**

**23. Давлат бошқаруви соҳасида коррупциянинг олдини олишдаги чора-тадбирлар тўғрисида гапириб беринг.**

**24. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этишдаги чора-тадбирларни ёритиб беринг.**

**25. Маъмурий тартиб-таомиллар соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар белгиланган?**

**26. Давлат харидларини амалга ошириш соҳасида коррупциянинг олдини олишга доир қандай чора-тадбирлар белгиланган?**

**27. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси қандай жараёндан иборат?**

**28. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир қандай чора-тадбирлар белгиланган?**

**29. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорларни бекор қилиш ёки ўзгартиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатларини ёритиб беринг.**

**30. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат тушунчаси ва турлари ҳақида гапириб беринг.**

**31. Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг турлари ҳақида гапириб беринг.**

**32. Ўзбекистон Республикасининг қонунлари билан тартибга солинадиган муносабатлар, уларни қабул қилиш тартиби ва шаклларини келтиринг.**

**33. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини тайёрлашни ташаббус қилиш ва таклифлар киритиш ҳуқуқига эга бўлган субъектлар ҳақида маълумот беринг.**

**34. Норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлаш босқичларини ёритиб беринг.**

**35. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини келишиш тартиби ва муддатларини баён этинг.**

**36. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг расмий матни ким томонидан тасдиқланади?**

**37. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг амал қилиши қайси ҳолатда тўхтатиб турилади ва тугатилади?**

**38. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ижросини ташкил этишга оид ваколатларини гапириб беринг.**

**39. Ўзбекистон Республикаси жиноят-ижроия қонунчилигининг йўналишлари ва вазифалари ҳақида айтиб беринг.**

**40. Ўзбекистон Республикаси маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги қонунчилигининг принциплари ҳақида маълумот беринг.**

**41. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигининг асосий негизларини нималар ташкил этади?**

**42. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги билан қайси муносабатлар тартибга солинади?**

**43. Фуқаролик ҳуқуқ ва бурчлар қайси ҳолатларда вужудга келади?**

**44. Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилигига асосан, фуқаролик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш усулларини тушунтириб беринг.**

**45. Фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик тушунчаси ва унинг вазифаларини ёритиб беринг.**

**46. Иқтисодий суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчилик тушунчаси ва вазифаларини ёритиб беринг.**

**47. Жиноят ишларини юритиш тартиби тушунчаси ва аҳамиятини ёритиб беринг.**

**48. Ўзбекистон Республикаси жиноят-процессуал қонунчилигига мувофиқ, айбсизлик презумпцияси тушунчасини айтиб беринг.**

**49. Меҳнат тўғрисидаги қонунчилигини қандай ҳужжатлар ташкил этади ва унинг вазифаларига нималар киради?**

**50. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига кўра ходимнинг асосий меҳнат ҳуқуқлари нималардан иборат?**

**51. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан иш берувчининг ҳуқуқлари ҳақида гапириб беринг.**

**52. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан жамоат шартномалари ва келишувларининг тушунчаси ва мақсадларини айтиб беринг.**

**53. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномаси ва унинг тарафлари тушунчасини беринг.**

**54. Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига асосан меҳнат шартномаси шакли, мазмун-моҳияти ва уни тузиш муддатлари ҳақида гапириб беринг.**

**55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги ПФ-6034-сонли Фармониغا асосан, 2021 йил 1 январдан бошлаб суд тизимида қандай муҳим ислохотлар амалга оширилди?**

**56. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ва қўлланиш соҳаларини аниқланг.**

**57. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги Қонуннинг лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари соҳасидаги асосий принципларини айтиб беринг.**

**58. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ, ушбу Қонуннинг қўлланилиш соҳаларини аниқланг.**

**59. Шахсга доир маълумотларни ҳимоя қилиш кафолатлари деганда нима тушунилади?**

**60. Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш деганда нима тушунилади?**

**61. Ўзбекистон Республикаси коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан юритиладиган «Коррупцияга оид жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган шахсларнинг очиқ электрон реестри» билан бундай шахсларга нималар тақиқланади?**

**62. Коррупция тушунчаси ва турлари ҳақида айтиб беринг.**

**63. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) қачон ташкил этилди ва унинг мақсади нималардан иборат?**

**64. Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги ташкилоти қачон ва қандай мақсадда ташкил этилди?**

**65. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига қачон асос солинди ва унинг мақсад, вазифалари нималардан иборат?**

**66. Халқаро ҳуқуқ назариясига кўра, давлатлар бирламчи субъект сифатида қандай мажбуриятларга эга?**

**67. Шахсга доир маълумотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш учун қайси ҳолларда ва қандай жавобгарлик мавжуд?**

**68. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига асосан, қайси давлат органлари коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширади?**

**69. Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг функция ва вазифаларини санаб беринг.**

**70. Ўзбекистон Республикасининг “Ноширлик фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.**

**71. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Вазирлар Маҳкамасининг ваколатларини айтиб беринг.**

**72. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ, Бош вазирни тайинлаш тартибини айтиб беринг.**

**73. Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга субъектлар ҳақида айтиб беринг.**

**74. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ваколатларини гапириб беринг.**

**75. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат ноижорат ташкилотларининг ва фуқароларнинг коррупцияга қарши курашишда иштирок этиши масалалари ҳақида сўз юритинг.**

**76. Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатларининг турлари, шакллари ва уларга қўйиладиган талабларни айтиб беринг.**

**77. Ўзбекистон Республикаси Президенти Халқ қабулхоналарининг ва Виртуал қабулхонасининг асосий вазифалари нималардан иборат?**

**78. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонунига асосан, мурожаатларни бериш тартибини ёритиб беринг.**

**79. Мурожаатлар бўйича иш юритиш тартибини тушунтириб беринг.**

**80. Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ҳақида маълумот беринг.**

**81. Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш хусусиятларини тушунтириб беринг.**

**82. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатлари ҳақида сўз юритинг.**

**83. Мурожаатларни кўриб чиқишда давлат органининг, ташкилотнинг ва мансабдор шахсларининг мажбуриятларини айтиб беринг.**

**84. Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларнинг кўриб чиқилишини мониторинг ва назорат қилиш ҳақида гапириб беринг.**

**85. Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйишга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлашга доир чора-тадбирлар**

**86. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ҳақида гапириб беринг.**

**87. Ўзбекистон Республикасининг “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, ижро ҳужжатларига нималардан иборат?**

**88. Ўзбекистон Республикасининг “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонуннинг мақсади ва қўлланиш соҳаларини айтиб беринг.**

**89. Таълим бериш жараёнида қандай методлар энг самарали усуллар ҳисобланади? Қандай янги педагогик технологияларни биласиз?**

**90. Малака оширишнинг кредит-модуль тизими деганда нимани тушунасиз?**

**91. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг ҳуқуқий мақоми ва вазифаларини ёритиб беринг.**

**92. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлислари қандай ҳолларда ўтказилади?**

**93. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилиги қайси ҳужжатлардан иборат ва қайси муносабатларни тартибга солади?**

**94. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан солиқ солиш принципларини ёритиб беринг.**

**95. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан солиқлар ва йиғимлар тушунчаси ва турларини ёритиб беринг.**

**96. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан, солиқ тўловчилар ҳақида гапириб беринг.**

**97. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқларини айтиб беринг.**

**98. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан солиқ тўловчиларнинг мажбуриятларига нималар киради?**

**99. Ўзбекистон Республикасининг солиқ қонунчилигига асосан солиқ элементлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини ёритиб беринг.**

**100. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонасининг тузиш тартиби ва тизимини ёритиб беринг?**